

# Қуръони Карим дарслари (71-дарс). Қуръони Каримнинг баъзи сўз ва ҳарфларини талаффуз қилишдаги ижозат



**Қуръони Карим**  
ДАРСЛАРИ **71-ДАРС**

Қуръони Карим дарслари Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Қуръон илмлари» китоби асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

16:00 / 04.02.2020 5465

(биринчи мақола)

Мутахассис уламоларимиз, Қуръони Каримнинг «етти ҳарф»да нозил бўлиши Қуръони Каримнинг баъзи сўз ва ҳарфларини талаффуз қилишда ижозат берилган етти тур хилма-хилликдир, дейдилар.

**1. Исmlарни бирлик ва кўпликда, музаккар ва муаннасликда турлича талаффуз қилишга берилган ижозат.**

Мисол учун, Муъминун сурасининг 8-оятида:

رَاعُونَ وَعَهْدِهِمْ لَأَمْنَتِهِمْ هُمْ وَالَّذِينَ

«Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилгувчилардир», дейилган.

«مَوْتَانِ أَمْرًا» калимаси кўплик сийғасида бўлиб, у «مَوْتَانِ أَمْرًا» каби бирликда ҳам қироат қилинади. Маълумки, усмоний мусҳафларда «مَوْتَانِ أَمْرًا» тарзида, сукунли алифдан холи шаклда ёзилган. Ушбу бир кўринишдаги сўзни икки хил қироат қилиш мумкин. Чунки бирликда жинсни қасд қилинади, жинсда эса кўплик маъноси бор. Жамда бирликни чуқурлаштириш бор, чуқурлаштиришда эса жинсинг маъноси бор. Шундай экан, «مَوْتَانِ أَمْرًا»га риоя қилиш худди «مَوْتَانِ أَمْرًا»га риоя қилишдекдир. Бу эса бутун нарсани ҳам, унинг жузларини ҳам ўз ичига олади. Ушбу икки қироатда ҳам «عَوْدٌ» калимаси бирликда келган.

Жинс ёки жамоатни қасд қилиш учун мозий ва музориъ феъллар ҳам турли қироатда турли бўлиб келади. Мисол учун, Бақара сурасида келган

عَلَيْنَا تَشْبَهُ الْبَقَرَانِ

жумласидаги «عَبَّأَشَّتْ» мозий-музаккар феъл бошқа қироатда «عَبَّأَشَّتْ» бўлиб, музориъ ва муаннас ўқилган.

**2. Араб тили қондаси доирасида эъробии, яъни ҳаракатлари турлича бўлиши мумкин бўлган жойларда турлича талаффуз қилишга берилган рухсат.**

Бунда маънонинг ўзгариши ёки ўзгармаслиги баробардир. Маъно ўзгаришига Бақара сурасининг 37-оятини мисол қилиш мумкин:

كَلِمَاتٍ رَبِّيهِ مِنْ آدَمُ فَنَلَقَى

**«Бас, Одам Роббидан сўзларни қабул қилиб олди...»**

Ушбу оятдаги «Адам» калимаси насб (фатҳали) ҳолатида, «калимат» лафзи эса рафъ (заммали) ҳолатида ҳам ўқилади.

«تَامَلْكَ وَبَرِّمْ دَاؤِ قَلْتَف» - «**Бас, сўзлар Одамни Роббидан қабул қилиб олди**».

Бақара сурасининг 282-ояти маънонинг ўзгармаслигига мисол бўлади:

شَهِيدٌ وَلَا كَاتِبٌ يُضَارُّ وَلَا

«...ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин».

Ушбу оятдаги

يُضَارُّ وَلَا

калимаси рафъ ҳолда «رَاضِي آلٍ» деб ҳам ўқилади. Унда маъно «**...ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмайди**» бўлади, яъни маъно ўзгармайди.

### 3. Ҳарфлардаги ихтилофлар.

Буларда баъзан сурат ўзгармай, фарқ нуқталарнинг ўзида бўлиб, калиманинг маъноси ўзгаради. Мисол: «نَوْمٌ لَّغِي» ва «نَوْمٌ لَّغَتٌ» каби. Баъзан эса сурат ўзгариб, маънолар ўзгармайди. Мисол: «طَارُصٌ لَّالٍ» ва «طَارُصٌ لَّالٍ» ҳамда «نَوْمٌ لَّغِي صُومٌ لَّالٍ» ва «نَوْمٌ لَّغِي سُمٌ لَّالٍ» каби. Дарҳақиқат, мусҳафларда асли «син» ҳарфидан бадал қилиб, «сод» ҳарфи ёзилган. Мусҳафнинг расмида «сод»нинг қироати таҳқиқий, «син»нинг қироати эса тақдирий ҳолда келтирилган.

(Давоми бор)

**«Қуръон илмлари» китобидан**